




**ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW**

journal homepage:  
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



## CENTRAL ASIA IS THE MAIN REGION IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL SOCIO-CULTURAL RELATIONS

**Abbasbek Adiljanovich Israilov**  
*researcher*  
*Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy*  
*Andijan State University*  
*Andijan, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asia, shared values, cultural-ideological development, religious-philosophical outlook.

**Abstract:** This article deals with the common culture, spirituality, ancient values and traditions of the peoples of Uzbekistan and Central Asia.

**Received:** 03.06.24

**Accepted:** 05.06.24

**Published:** 07.06.24

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХАЛҚАРО ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ТИЗИМИДАГИ АСОСИЙ МИНТАҚА

**Аббосбек Адилжанович Исраилов**  
*тадқиқотчи*  
*Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*  
*Андижон давлат университети*  
*Андижон, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, қадриятлар муштараклиги, маданий-гоявий тараққиёт, диний-фалсафий дунёқараш.

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳалқарининг маданияти, маънавияти, азалий қадриятлари ва анъаналарининг муштараклиги мавзусида сўз юритилади.

## ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ – ГЛАВНЫЙ РЕГИОН В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СОЦИОКУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ

**Аббасбек Адильжанович Исраилов**  
*Исследователь*  
*Доктор философии (PhD) в области философии*  
*Андижанский государственный университет*  
*Андижан, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Центральная Азия, общие ценности, культурно-идеологическое развитие, религиозно-философское мировоззрение.

**Аннотация:** В данной статье речь идет об общей культуре, духовности, древних ценностях и традициях народов Узбекистана и Средней Азии.

### КИРИШ

Ўтмишда турли ҳудудлар ўртасида олиб борилган мuloқotлар ҳалқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-гоявий тараққиётiga бевосита таъсир кўrsатган. Гоявий-маданий таъсир натижалари сиёсий-иктисодий таъсирларга қараганда ижобий ўзгаришларга олиб келганлигини кўришимиз мумкин. Марказий Осиёда ilk маданий алоқалар натижасида ижтимоий соҳалардаги ютуқлар, технологик янгиликлар аста-секин тарқалиб, бу жараён Жаҳон цивилизациясининг бирламчи ва иккиламчи марказларини пайдо бўлишига асосий омиллардан бири бўлган.

Турли ижтимоий ва географик омиллар туфайли маданий тараққиёт ер юзининг турли минтақаларида ўзига хос тарзда ривожланиб, бу ilk цивилизация куртакларини пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу эса марказдан чекка ҳудудларга ижтимоий таъсири иктисодий-маданий ҳаётнинг турли соҳаларидаги янгиликлар ва ютуқларнинг ёйилишига олиб келган. Шу ўринда ҳар қандай маданият ривожи ички сабаблар билан сайқалланишини таъкидлаб ўтиш даркор. Чунки, бирор ҳалқ четдан олиб келинган иктисодий-маданий янгиликларни “қабул қилиб олишга” тайёр бўлмаса, жаҳон тамаддунидан четда қолишини барчамиз яхши биламиз.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиё ҳалқларнинг маданий алоқалари тарихнинг барча даврларида дунёning энг асосий диққат марказида бўлиб турган. Минтақа ҳалқларининг энг қадимги даврдан бошлаб то бугунги кунганча ижтимоий-маданий ҳаёти ва қадриятлари олимларнинг тадқиқот объектига айланиб келмоқда.

Марказий Осиё минтақасида дастлабки танга пулларнинг пайдо бўлиши, Хоразм, Бақтрия ва Суғд ёзувига асос бўлган оромий алифбоси, Ўзбекистон ҳудудидан топилган қадимги туркий битиклар, Олмаотадан 50 км.шарқда, Иссиқ дарёси бўйида жойлашган мозор-қўрғондан топилган қумуш идишдаги туркий ёзувлари минтақа ҳалқларининг юксак ижтимоий-маданий ривожланганлигидан далолат беради. Турк олимлари мил. авв VI-V асрларга оид бўлган Иссиқ ёзуви Урхун-Енисей алифбосининг қадимги Олтой диалектида ёзилганлигини тадқиқ этишган.

Шу билан бирга, мил. авв. I минг йиллик бошларида минтақамизда шаклланган Марғиёна, Суғдиёна, Бақтрия ва Хоразм каби маданий марказлари минтақасининг Ғарб ва Жануб ўлкалари маданиятидан анча фарқ қиласидиган, қадриятлар ва анъаналарнинг ўзига

хос хусусиятларига эга бўлган Ўрта Осиё маданияти бешиги бўлган. Хусусан, кейинги йиллардаги олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра “мил.авв. VI-IV асрларда Хоразм, Суғд, Бақтрия ва Марғиёна ижтимоий ва моддий маданияти Эрон аҳамонийлари яратган маданиятидан юксаклиги билан фарқ қилганлигини кўриш мумкин”. Фикримизнинг исботи сифатида асл ватани Хоразм бўлган зардуштийлик динини Эронда, Афғонистон ва Ҳиндистон шимолида тарқалиши ва бу ҳалқларнинг ижтимоий ҳаётига улкан маънавий таъсир кўрсатганлигини айтишимиз мумкин.

Александр Македонский юришларидан кейин Ўрта Осиёда Ғарб маданияти таъсири бошланиб, у салавкийлар даврида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Бу давр Ўрта Осиёнинг ташки маданий алоқалари тарихидаги янги босқич бўлиб, бу антик даврни (мил. авв. IV аср охирларидан – мил. IV асргача) ўз ичига олади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бир қатор вилоятлари (Бактрия, Парфия, Марғиёна, Суғдиёна) маданиятида маҳаллий ва юонон (эллинистик) маданий анъаналарининг ўзаро қўшилиши – синтезини юзага келиб, минтақанинг жанубий ҳудудларида юонон алифбосига асосланган ёзув, танга пуллар ва ўлчов бирликларининг янги тизими, турли санъат буюмлари тарқалди. Шу билан бирга Ўрта Осиёда ва Афғонистон шимолида яшаётган юонон-македонлар қурилиш, меъморчилик ва хунармандчилиқда маҳаллий анъаналарни қабул қилдилар, қадимги маҳаллий динлар юононлар диний қарашлари ва антик мифология образлари билан қўшилиб кетди. Эллинизм маданияти анъаналари юононлар бошқарувидан анча кейин, кушонлар салтанати даврида ҳам сакланиб қолгани бу маданий таъсирнинг маҳаллий ҳалқ ичига анча чуқур сингиб борганинги кўрсатади.

Кушонлар даврига оид Ўзбекистон жанубидаги Фаёзтепа, Қоратепа ва Далварзинтепадан топилган тасвирий санъат намуналари, Холчаён ёдгорлигидан топилган ҳайкалларда Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон ва Шарқий Туркистонда учрайдиган “Дионис мавзуси”, Ўзбекистон жанубининг Марказий Осиё маданий алоқалари тизимида тутган аҳамиятини кўрсатиб туради. Бу даврда Будда таълимоти Марказий Осиё орқали Шарқий Туркистон ва Хитойга ҳам тарқалгани, Хитойдан эса Шарқий Туркистонга кириб келгани ижтимоий-маданий таъсирнинг яна бир ифодасидир.

Мил. авв. II аср сўнгги чорагида Буюк ипак йўли тармоқларининг шаклланишидан бошлаб, Марказий Осиё ҳалқлар ва Хитой ўртасидаги ижтимоий-маданий алоқалар бошланади. Фарғона водийсининг антик даврга мансуб қўплаб маконларидан Хитойдан келтирилган ойна буюмлар, “у-шу”, “кай юань тун бао” тангалари ва Хитой ипагидан тайёрланган юмшоқ матолар ҳамда бошқа қўплаб маҳсулотлар топилганлиги маълум. Фарғона водийсидан эса хитойликларнинг ҳарбий-стратегиясида катта аҳамиятга эга

бўлган самовий отлар ва рангли шишаларни тайёрлаш маданияти сир-асрорлари ўзлаштирилган.

Қадимги Хитой манбаларида Фарғонанинг узуми ва ундан тайёрланган шароблар Хитой ичимликларидан анча устун туриши, бугунги кунда ҳам тандир нон ва сомса Хитойга айнан Ўзбекистондан кириб борганлиги ҳам бизга фаҳр бағишлиайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг барча ҳалқлари ўтмишнинг ҳар қандай даврларида ҳам ижтимоий-иктисодий алоқаларда илиқ маданий муносабатда бўлиб келганлар. Бу маданий алоқалар таъсирида элчилик муносабатлари, диний-фалсафий қарашлар ва аҳлоқий мезонлар алмашинуви ва илм-фаннинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик амалга оширилиган.

Хуло ўрнида, бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатларга нисбатан олиб бораётган сиёсати нафақат сиёсий ва иктисодий секторни ривожлантиришга, балки Марказий Осиё ҳалқлари ўртасидаги маданий алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган.

Жумладан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда “Туркман маданият кунлари” (2016), “Тожик маданият кунлари” (2017), “Қирғизистон Республикаси маданияти ва санъати кунлари” (2018), шунингдек Туркманистон (2017), Қирғизистон (2017) ва Тожикистонда (2017, 2019) “Ўзбекистон маданият кунлари” кенг нишонланди. Бундан ташқари, 2018 йил “Қозоғистонда Ўзбекистон йили”, 2019 йил эса, “Ўзбекистонда Қозоғистон йили” деб эълон қилиниши, бундан ташқари турли форумлар, фестиваллар, концертлар, маданият ва кино кунларини, шунингдек кўргазмалар, илмий семинарлар, конференциялар, спорт мусобақалари ва бошқа маданий-гуманитар тадбирларни ташкил этиш анъанага айланиб улгурди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2017 йил, 22 декабрь. 17-31 бетлар.
2. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва хуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 46.
3. Махкамова Д Узбекистан в системы международных культурных связей (особенности и закономерности исторического развития) // Дисс... на соиск. уч. степ. канд. ист. наук. – Ташкент, 2005. – С. 47.
4. Мавлонов Ў., Махкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари – Тошкент: Академия, 2004. – Б. 12-13;

5. Содиқов Қ. Кўк турк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини. – Ташкент, 2004. – Б. 10-20
6. Акишев К.А. Курган Иссық. – М., 1978., Иссиқ қўрғони. Ўз МЭ, 4-жилд. – Тошкент: Ўз МЭ ДИН, 2002. – Б. 262-263
7. Пугаченкова Г.А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Ташкент, 1987; Ўша муаллиф. Предметы иноземного импорта на Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 35-36
8. Далварзинтепа – кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент, 1978. – С. 211
9. Пугаченкова Г.А. Предметы иноземного импорта на Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – С. 35-36.
10. Заднепровский Ю.А. Трансазиатский степной путь – ветвь Шелкового пути по археологическим данным // Древниеnomады Центральной Азии. – СПб., 1997. – С. 79-82
11. Горбунова Н., Ивочкина Н. Монеты у-шу из могильников Ферганы // Сообщение Гос. Эрмитажа. – Л., 1988. – С. 45-50.
12. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент, 1996. – Б. 16-22.
13. Сулайманова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Пидаев Ш. Сирли кушонлар салтанати. – Тошкент, 1992.
14. Далварзинтепа – кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент, 1978. – С. 211
15. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведение о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. – Ч. II. – С. 166; Ширинов Т.Ш., Зайнобиддинов С.З. Буюк ипак йўли ва Фаргона водийси // Буюк Ипак йўли ва Фаргона водийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 7-10.
16. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан / Пер. Е.В. Зеймаля и Е.И.Лубо-Лесниченко. – М.: Наука, 1981. – С. 331.
17. Хўжаев А. Фаргона водийсининг Хитой билан савдо алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. № 1 (25). – Б. 46-47